

# УНИВЕРСИТЕТ ЯНГИ ЛОЙИХАДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Co-funded by the  
Erasmus+ Programme  
of the European Union

**MAGNET**  
**ERASMUS+**

University as a key partner of NETWORK for vocational educational training centers of Middle Age Generation in Uzbekistan

**Бугун юртимизда аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.**

Янги иқтисодий-ижтимоий шароитда кадрлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талаб қилинади.

Лекин, ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга тайёрлашда баъзи камчиликларнинг мавжудлиги бу борадаги олиб борилаётган ислохотларнинг тўлатўкис амалга ошишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу муаммони ҳал этишга ўз ҳисасини қўшиш мақсадида Қарши давлат университети Иқтисодиёт ва сервис кафедраси Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ERASMUS+ дастури доирасида "Университетлар -Ўзбекистонда ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш марказлари тармоғининг асосий ҳамкори

сифатида" (MAGNET) лойиҳасида иштирок этмоқда. Ушбу лойиҳа ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва шу орқали уларнинг реал даражасини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат қилади.

Лойиҳани асосий шартномачиси Германиянинг Лейпциг амалий фанлар университети хисобланади. Лойиҳага Гуарда политехника институти (Португалия), Галати университети (Руминия), Латвия маданият коллежи (Латвия), Фарғона давлат университети, Фарғона шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Фарғона вилоят бошқармаси, Қарши давлат университети, Қашқадарё вилоят Меҳнат бош бошқармаси, Нукус давлат педагогика ин-

ститути, Қорақалпоғистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла фонди, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази Андижон вилоят бошқармаси, Маҳалла хайрия фонди Фарғона шаҳар бўлими, Хотин-қизлар кўмитаси Фарғона вилоят бўлими ва Тадбиркор аёл Ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими ҳамкорлар жалб қилинган.

Лойиҳа 2016-2018 йилларга мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати — 646 471 еврони ташкил этади. Лойиҳа доирасида университетимизда ўрта ёшдаги (30-49 ёш)даги ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш учун Карьера марказларини ташкил этиш мўлжалланган.

**Г.ЭРКАЕВА,**  
иқтисод фанлари номзоди  
**С.МАХМУДОВ,**  
ўқитувчи

## Талабалар ижодидан

### ҚАШҚАДАРЁ

*Виктор бордир Дехқанобод тоғларида,  
Шовуллайди сувлар унинг сойларида,  
Ёр-ёр янграб доим унинг тўйларида,  
Базмларни базм қилган дарёмда,  
Мени ардоқлаган Қашқадарёмда.*

*Ўтов бордир Оқрабоднинг тоғларида,  
Олча, олма нишар унинг боғларида,  
Жаннатдайин сўлим-сўлим жойларида,  
Буюклар қадами, буюк дарёмда,  
Мени ардоқлаган Қашқадарёмда.*

*Йуқ меванинг ўзи йўқдир бу боғларда,  
Дарахлари кўкка туташ Яққабобда,  
Қори турар доим баланд тоғларда,  
Сувлар тинмайдиган, тишмас дарёмда,  
Мени ардоқлаган Қашқадарёмда.*

*Қаддан кўринг қандай гўзал Ғузорлари,  
Ноз-неъматдан тўлиб-тошган бозорлари,  
Учаман дер Қамашнинг тулпорлари,  
Ялтизлари буй таранган дарёмда,  
Мени ардоқлаган Қашқадарёмда.*

*Меҳмон келса отамдайин улуг дейди,  
Қадамига қўйлар сўйиб қутлуг дейди,  
Чироқчида буни буюк удум дейди,  
Бағри кенг доимо, меҳри дарёмда,  
Мени ардоқлаган Қашқадарёмда.*

Инобат ЧОРИЕВА,  
талаба

## БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ

*Илқинна булут — баҳорий гўдак.*